

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТ
ХАВФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ****Ғ.С. Қаршиев**

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва криминалогия кафедраси доценти,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575026>

Аннотация: Мақолада автотранспорт билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш каби масалалар ва тахлилий маълумотлар ёритилган.

Таянч иборалар: Йўл-транспорт ҳодисаси, ҳаракати хавфсизлиги, автотранспорт билан боғлиқ ҳолатлар, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисалари олдини олиш, йўллардаги ҳақиқий хавфли вазият, авария ҳолатлари.

Бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий бўлиниш ва ҳокимият тузилмалари бошқарувининг етарли даражада ихчам тизими ишлаб чиқилганлигига, эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги демократик ва бозор ислоҳотларини амалга оширишга тўсиқ-ғов бўлиб турган бошқарувнинг кўпгина ортиқча маъмурий ва бюрократик бўғинлари, давлат ва идора тузилмаларини ўзгартириш ёки тугатилишига қарамай, республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўринли таъкидлаганидек, “Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. ҲА Kidirbaevich таъкидлаганидек, Ўтган давр мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, хусусан, жамоат тартибини сақлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустақамлаш маҳаллалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш[1] борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Бугунги кунда автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжларнинг ошиб бориши натижасида айрим муаммолар юзага келмоқда. Хусусан автотранспорт билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаларининг кундан-кун кўпайиб бўлмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, йилига 1,2 миллиондан ортиқ одам йўл

транспорт ходисаларидан вафот этади ва яна 40-50 миллион киши эса турли даражадаги жароҳат олади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўлим ҳолатининг 90 фоизидан ортиғи кам ва ўрта даромадли мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади[2]. Уларнинг деярли учдан бир қисми пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчиларга тўғри келади. Ачиналиси шундаки, бугунги кунда дунё мамлакатларида 15 фоизда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича қонунчилик мавжуд бўлса қолганларида етарли даражада норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамланмаган. Шу сабабли автотранспорт билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга, янгича механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда фуқаролар фаоллигини оширишга, қолаверса аҳоли ўртасида ўзларини йўл транспорт ходисаларининг жабрдийдасига айланиб қолмасликнинг усул ва шаклларини кенг тарғиб қилишга қаратилган ҳамда ҳайдовчилик маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнги 2021 йилнинг 11 ойида Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиш ҳолатлари жуда кўпайиб кетганлигини оммовий ахборот воситаларида ҳам кўришимиз мумкин. Уларидан инсон ўлими билан боғлиқ ҳолатлар, тан жароҳатлари билан боғлиқ ва мулкӣ зарар билан боғлиқ ҳолатларни олсак бўлади. Йўл-транспорт ҳодисаларининг дерли 60-70 фоизи тезликни меъеридан ошириш натижасида содир бўлган.

Йўл транспорт ходисалари олдини олиш, улардан фуқароларни ҳимоя қилишга қаратилган йўл транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонун нормалари талабларининг ижросини таъминлашга йўналтирилган махсус чораларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, ички ишлар органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, соҳага замонавий илғор иш усул ва шаклларни жорий этиш, бу соҳада ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ПҚ-3127-сон «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга назарда тутилмоқда. Йўллардаги ҳақиқий хавфли вазиятни, жамиятга етказиладиган зарар кўламини инобатга олиб, авария ҳолатларини ҳозирги куннинг асосий таҳдидига, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги вазиятни эса инсониятнинг барқарор ривожланишининг асосий муаммоларидан бири бўлиши мумкин.

Лекин уларнинг ижроси хали ўзининг сезиларли даражадаги ижобий натижасини бергани йўқ, йўллардаги авария ҳолатлари ўзгаришсиз қолмоқда. 2022 йил 11 феврал

куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида "Хавфсиз ва равон йўл" тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилганлиги ушбу мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини очиб беради.

Ушбу йиғилишда Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд авария содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланди. Энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан, 263 нафар бола ҳалок бўлгани катта фожиадир", деди давлатимиз раҳбари томонидан айтиб ўтилди.

Бундан ташқари ўлим билан боғлиқ авариялар 2021 йил хисобида Тошкент вилоятида ҳар 100 минг аҳолига 21 та, Жиззахда – 16 та, Сирдарёда – 15 та, Навоий ва Самарқандда – 14 тадан, Қашқадарё ва Наманганда– 13 тани ташкил этиб, бошқа ҳудудлардан анча юқори.

Энг кўп авариялар содир бўлаётган йўллар: Попдан Тўрақўрғонгача бўлган 4Р-112 йўлининг 88-километри, "Термиз-Душанбе" (М-41) халқаро йўлининг Жарқўрғон-Денов қисми (80-километри), А-373-йўлининг Ёзёвон туманидан ўтган 352-километри, Самарқанд-Ўзгўр йўлининг (А-378) 85-километрида ҳар йили ўнлаб одамлар ҳалок бўлмоқда[3].

Шунингдек, 2021 йилда Чироқчида 43 та, Наманган шаҳрида 42 та, Янгийўл туманида 34 та, Ургутда 28 та, Андижон туманида 20 та аварияда одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Таҳлиллар кўрсатишича, аварияларнинг:

- 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги;
- 10 фоизи ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги;
- 25 фоизи йўл ҳолати ва инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги;
- 20 фоизи пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда.

"2022 йилда барча ҳудудларда "Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда" умуммиллий дастурини амалга ошириш" кераклиги Юртбошимиз томонидан белгилаб берилди.

Авто ҳалокатларга доир 2021 йилда аниқланган 7,7 миллион ҳуқуқбузарликдан 46 фоизи кўпол қоидабузарликлар ҳисобланади. **Айниқса:**

- маст ҳолда бошқариш: Самарқанд (12 мингта), Тошкент вилояти (8,5 минг), Фарғона (7,5 минг) ва Тошкент шаҳрида (7 минг);
- қизил чироққа ўтиш: Тошкент вилояти (62 минг), Самарқанд (51 минг) ва Тошкент шаҳрида (47 минг) анча юқори.

2021 йилда республика бўйича 95 минг нафар ҳайдовчи 5 тадан кўп, 9 минг нафари 20 тагача, 700 нафари 50 тагача, 18 нафари 100 тагача қоидабузарлик содир этган.

Юнусобод туманида яшовчи ҳайдовчи 2021 йилда 133 маротаба қоидабузарлик содир этган (*230 миллион сўм жарима ҳисобланган*). Юқоричирчиқ туманида яшовчи ҳайдовчи 2021 йил 11 ойида 37 маротаба қоидабузарлик содир қилиб, охир-оқибат жиддий авария содир этган.

Давлатимиз раҳбари бундан буён ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жарима баллари тизими жорий этилишини маълум қилган[4].

Масалан, **ҳайдовчи тезликни оширса – 1 балл, қизил чироқда ўтса – 3 балл ҳисобланади.**

Агар бир йилда қоидабузарликлар жами **12 баллдан** ошса, ҳайдовчи автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга халақит қилганлик учун алоҳида “**йўл безорилиги**” деган (МЖТК)га янги жавобгарлик тури киритилади.

Аварияларнинг 75 фоизини 35 ёшгача бўлганлар содир этган. Ҳар йили 500 минг киши ҳайдовчилик гувоҳномаси олади, лекин 25 фоизи машғулотларга қатнашмайди.

Энди ҳайдовчиликка ўқитиш ва гувоҳнома бериш бўйича янги тизим яратилади. Бунда:

- **Ички ишлар вазирлиги автомактаблар ва имтиҳон марказларига талабларни қайта кўриб чиқади, уларга лицензияларни ўзи беради;**

- Ички ишлар академияси автомактабларнинг методологияси, ўқув дастури, ўқитувчиларнинг малакаси ва ўқитиш сифатини оширишга жавоб беради;

- Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳайдовчилар тўғрисидаги маълумотлар базаси ва уларнинг рейтингини юритади.

Бу борадаги ишларни молиялаштириш учун ЙХХБ тизимида “**Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда**” республика ва вилоят жамғармалари ташкил этилади.

Жамғармалар ҳар йили камида 400 миллиард сўм тушадиган аниқ манбаларга эга бўлади.

Мисол тариқасида Фарғона вилояти тажрибасини кўрсатиб ўтди. Вилоят бюджетидан 24 миллиард сўм ажратилиб, 125 километр йўлларга ёритгич ва нур қайтарувчи воситалар, 24 та пиёда йўлакларига светофор, 107 тасига “сунъий дўнгликлар” ўрнатилган.

Натижада вилоятда умумий авариялар 31 фоизга, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 21 фоизга, пиёдалар иштирокидаги ҳодисалар 37 фоизга камайган.

Бахтсиз ходисаларнинг юқориликча қолаётгани кўйидаги асосий омиллар бўлиб қолмоқда: аҳоли орасида транспорт воситаларининг кўпайиши ва йўл-транспорт инфратузилмасининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, автотранспорт воситаларининг тезлик сифати доимий равишда такомиллашиб бораётгани, автотранспорт воситалари хавфсизлигига бўлган техник талабларнинг етарли даражада бўлмаганлиги, йўл ҳаракати қатнашчиларининг тайёргарлик ва интизом сифатлари паст даражада эканлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими самарадорлиги етарли эмаслигини кўришимиз мумкин.

Буларнинг барчаси бахтсиз ходисалар сабабларининг таҳлилига эҳтиёж борлигини, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг самарали йўллари ва методларини излашни, уларга мувофиқ келувчи кечиктириб бўлмас чораларни қабул қилиш заруриятини кўрсатиб берди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда назарий ва амалий муаммоларни ўрганиш ҳам ўз самарасини бергани йўқ. Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар қонунчиликни кучайтиш долзарблигини кўрсатиб берди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятининг айрим жиҳатлари У.Т. Таджиханов Қ.Х. Азизов. Н.Ф.Мухитдинов, Р.А. Сайфулин, С.Т. Ахмедова. Х.А.Дадахаўжаев, Х.А. Закировлар “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти”

мутахассислиги ривожига муайян даражада ҳисса қўшганлар. Бугунги кунда ушбу олимлар олиб борган тадқиқотлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда назариянинг асоси, замонавий тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги алоҳида масалаларга урғу берилган бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бўйича илмий манбалар мавжудлигига қарамасдан, қонунчилигимиздаги сўнгги ўзгаришларни назарда тутувчи йўл ҳаракати хавфсизлигини бевосита маъмурий-ҳуқуқий тарзда тартибга солиш муаммоларига тегишли комплекс тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Биринчидан йўл ҳаракати хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарблиги ва етарлича ўрганиб чиқилмаганлигидир.

Иккинчидан йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимларини ошириш етарли даражада берилмаётганлиги.

Учинчидан ҳайдовчиларни синовдан ўтказиш, бугунги кунда ҳайдовчиларни тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қайтадан кўриб чиқиш.

Шу билан бирга, Ш.Қушбоқов таъкидлаганидек, асосий мақсад ҳайдовчиларни тайёрлаш сифатини оширишдан иборат бўлиб, йўл ҳаракати бошқаруви соҳасидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амалга оширилишини қатъи назорат қилиш зарур.

References:

1. Kidirbaevich Y. A. Administrative Measures and Their Improvement //International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 240-242.
2. https://www.who.int/violence_injury_prevention/road_safety_status/report/ru/
3. Президент иштирокида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласида йиғилиш ўтказилди — Review.uz
4. Президент иштирокида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласида йиғилиш ўтказилди — Review.uz
5. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.